

БЕШАРИҚ ТУМАНИДАГИ “YASIN QURILISH MOLLARI” КОРХОНАСИННИНГ ЦЕМЕНТ МАҲСУЛОТИ ЮҚОРИ СИФАТИ БИЛАН ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ЭГА

Мазкур корхона хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошираётган бўлиб, мустақиллигимизнинг 33 йиллиги байрами арафасида анъанавий ва янги турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи “Yasin Honbang” МЧЖ ишга туширилди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан биргаликда мазкур янги корхонанинг фаолияти билан танишди.

Корхонанинг лойиҳа қиймати 1 миллион доллар бўлиб, йилига 40 минг тоннадан зиёд янги турдаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда кафел клейлари, бино ички ва ташқи бўёқлари, шпокловкалар ҳамда ҳар хил қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган қурилишда биноларни пардозлаш билан боғлиқ сувоқ, клей, сувбўёқ, ички ва ташқи девор бўёқлари, сувга чидамли ва сувюқтирмас бўёқлар, ҳатто тош бўёқларгача ўттиз турдан ортиқ маҳсулотлар сифати билан ажralиб туради.

Вилоят раҳбари янги турдаги маҳсулотларни кўздан кечириб, ҳудудлардаги амалга оширилаётган бунёдорлик ишларида бу қурилиш материалларидан фойдаланиш, сифати ва рақобатбардошлигига эътибор қаратиш борасида кўрсатмалар берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-10-14 19:15:06